

## СУРУНКАЛИ ОШҚОЗОН ЯРА КАСАЛИГИНИ УЗОҚ ДАВОЛАНИШИДА ЖИГАРДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ГИСТОКИМЁВИЙ ЎЗГАРИШЛАР

**Бобожанов Адхамбек Озимбой ўғли., Аллабергнаов Дилшод Шавкатович.,  
Каримов Расулбек Хасанович.  
Тошкент давлат тиббиёт университети.  
Урганч давлат тиббиёт институти.**

**Аннотация:** Сурункали ошқозон яра касаллигини узок вақт даволанишида жигарда юзага келадиган асосий гистокимёвий ўзгаришлар асосан, Раппопорт бўйича жигарни фаол майдонларида сийрак ва дағал фуксифил толаларни кўп миқдорда шаклланиши юзага келганлиги аниқланади. Бу беморларни ёшига ва жараёни давомийлигига боғлиқ холда 45-59 ёшлиларда перипортал, перилобуляр жигар фиброзини юзага келганлигини англатиб, триадалар атрофида суст шаклланган лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари билан намоён бўлади. Ван Гизон усулида ўрганилганда, жигарни турли фаол майдонлари оралигида синусоидларни деворида фибробластлар томонидан синтезланган тропоколлагенни коллаген фуксифил толага айлانганлиги ва ўтиш босқичларини бўлиши, жигар бўлакчалари чегарларида дағал толали тузилмаларни чеграси ноаниқлиги жигар циррозини такомил топаётганлигини тасдиқлайди.

**Калит сўзлар:** сурункали ошқозон яра касаллиги, гепатотоксик дистрофия, жигар циррози, гистокимёвий усул, Ван Гизон, морфология, некроз.

**Муаммони долзарблиги:** Ошқозон сурункали яра касаллиги (ОСЯК) ва унинг жигар тизимига таъсири нафақат маҳаллий, балки глобал миқёсдаги тиббий муаммодир. Дунё олимларининг қарашлари ва эпидемиологик кўрсаткичлар бу патологиянинг долзарблигини бир неча омиллар билан асослайди. Гарчи замонавий тиббиётда Н. pylori эрадикацияси (йўқ қилиш) яхши йўлга қўйилган бўлса-да, статистика кўрсаткичларда хозиргачам жигар фиброз ва склерози камайган балки кўпайганлигини англатади. Дунё аҳолисининг тахминан 5-10% ҳаёти давомида камида бир марта ошқозон ёки ўн икки бармоқ ичак яраси билан касалланади. Бу эса, жигар касалликларини юзага келишини индуцировчи омиллардан бири ҳисобланади. Тадқиқотларга кўра, ошқозон яраси бор беморларнинг 30-40% ида жигар ва ўт йўллариининг ёки морфофункционал бузилишлари аниқланади. Жумладан АҚШ, ЕВРОПА ва БУЮК Британияда аҳолиларида ўртача, 10% аҳолисида ошқозон яра касаллигига аниқланиб, 10

минг киши ушбу касаллик асоратидан вафот этса, 500 минг кишида жигар склерози, циррозини турли даражалари ривожланганлиги аниқланган. Россия федерацияси ва МДХ давлатлари аҳолиси орасида бу кўрсаткич 1000 кишидан 7-14% да сурункали яралар аниқланса, 65-70% да *H. pylori* инфекцияси аниқланади.

Айнан, мана шу инфекцияни даволашда қўлланиладиган доривор препаратларни 75-80%да гепатоксик таъсирларини юқорилиги жигар стеатози, жигар фибрози, склерози, портал гипертензиясини юзага келтирувчи бирламчи сабаблардан бири хисобланади. МДХ давлатларида ошқозон сурункали яра касаллиги асорталаридан ўлим кўрсаткичи 1,1% ни ташкил этиб, асосий контингентлар эркак жинслилар бўлиб 18-44 ёшлиларда энг кўп тарқалганлиги аниқланди. Бу эса, муаммони долзарблиги ва заруратини тақозо этиши билан бирга, жигарда юзага келадиган иккламчи морфологик ўзгаришлар ҳақида кам маълумотлар келтирилган бўлиб, профилактик чора тадбирларни аксарияти клиник инструментал текширишлар асосида тайинланади. Бу эса, сурункали ошқозон яра касаллигида юзага келдиган жигардаги патоморфологик ўзгаришларни турли муддатлар баҳолаш мезонлари ишлаб чиқарилмаганлиги, жигардаги иккламчи дистрофик ва некробиотик ўзгаришлар бўйича клиник морфологик тавсияларни тўла тўқис ишлаб чиқарилмаганлигини англатади.

**Натижа ва муҳокама:** Сурункали ошқозон яра касаллигида жигардаги юзага келадиган ўзгаришларни гистокимёвий Ван Гизон усулида пикрофус-цин билан бўялганда аниқланадиган фуксинофил толаларни кўпайиши асосан триадалар атрофида, перилобуляр соҳаларда атрофида ингичка септал қатлам кўринишида аниқланиб, аксарият, традалар ва бўлакчалар периметрида чегара траекторияси текис бўлган, бўлакчалар бўшлиғига ўсиб кирмаган ва ўчоқлари текис тўқ контрастли кўринишида фуксинофил толалар аниқланади.

Бу жараёнда бириктирувчи тўқимани кўпайганлиги, таркиби бўйича 3- типдаги коллаген тола ва фуксинофил қизил рангда бўлиши жигарни турли экзо ва эндоген токсик зарарланиб турганлигини англатади. Бу эса, ўз навбатида, клиник анамнестик маълумотларда ностероид ялғиланишга қарши препаратларни қабул қилганлиги билан боғланади. Фуксинофил толаларни тарқалганлиги баҳолашда асосан қуйида келтирилган жадвалда тақдим этилган.

**Тадқиқотда ўрганлаётган ошқозон сурункали яраларида даволанган ва турли асоратлардан вафот этганлар жигаридаги морфологик ўзгаришларни фиброзланиш даражасини баҳолаш мезонлари**

<b>Ривожланган морфологик бирликлар</b>	<b>METAVIR</b>
Фиброз йўқ	F1
Бир нечта портал йўлларининг портал фибрози	F1
Кўпгина портал йўлларининг портал фибрози	F1
Бир нечта кўприксимон фиброз тўсиқлар	F1
Кўплаб кўприксимон фиброз тўсиқлар	F0
Тўлиқ шакланмаган цирроз	F0
Тўлиқ шакланган цирроз	F0
Жами тўпланган морфологик бирликлар бўйича балл	4 балл

**METAVIR** шкаласи бўйича 4 балл деб баҳоланганлиги аниқланиб, жараёнда фуксинифил толаларни кўпайиши асосан, Раппопрт бўйича, жигар триадалари атрофида жойлшаган гепатоцитларда йирик томчили ёғли дистрофияси ва мултифокал некрозда регенерацияга учрамаган гепатоцитлар ўрнида фибробластларни кўпайиши билан изохлади. Традалар атрофида мептал тўсиқларни ташкил этган, дағал толали тузилмлар оралиғида суст шакланган оралик шишлар ўт томирларида ўт динамикасини секинлашишига ва иикламчи холестаазларни юзага келганлигини англатади. Перилобуляр вена қон томирларида ўртача тўлалик. Ўт томирларида ўт суюқлиги аниқланмайди. Перилобуляр сохалар бўшлаб шакланган фиброз тўқималарнинг чегараси аниқ, релефи текис контурлардан иборат бўлиб жараён асосан ташқаридан кирувчи токсик моддаларни киритилганда юзага келишини англатади.

Морфофункционал жихатдан бу ўзгаришлар давомли кечаётганлигини англатиб, таъсирловчи омиллар бартраф этилган репаратив регенерацияни кучайганлигини бохолашда ҳам муҳим морфологик белгилардан бири ҳисобланади.

### **Хулосалар**

Сурункали ошқозон яра касаллигини даволашда кейин гепатопротектор-ларини қўллаш заруратини тақозо этиб, гистокимёвий жихатдан жигар фиброзини давом этаётганлиги аниқланди. Бу микроскопик ўзгаришлар асосан даволаш жараёнида гепатопротекторлар қўллашда юқорида микроскопик ўзгаришларни олдини олишда муҳим ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов Р. Х., Мусаев У. М., Рузметова Д. Т. Ятрогения на примерах из практики (По данным лет обзор) //International conference on multidisciplinary science. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 10-12.
2. Каримов Р. Х. и др. ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВ \ АППАРАТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ //INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 13-13.
3. Abdullayev O. et al. XORAZM VILOYATIDA GERATIT S KASALLIGINING TARQALISHI //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 189-196.
4. Sobirjanovich Y. B., Alievich M. A., Xasanovich K. R. Этиология Гепатоцеллюлярной Карциномы: Особое Внимание Жировой Болезни Печени //Research Journal of Trauma and Disability Studies. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 26-36.
5. Сабиров О., Каримов Р. ПОЛИЖАРОХАТЛАРДА ЎЛИМ САБАБЛАРИНИНГ КЛИНИК ВА МОРФОЛОГИК ТАХЛИЛИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 293-304.
6. Абдилхаева З., Аллаберганов Д., Каримов Р. IGA-НЕФРОПАТИЯ АВЖ ОЛИШИННИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 286-292.
7. Аминов Ш., Каримов Р., Айтимова Г. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АХОЛИ ОРАСИДА ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 259-265.
8. Мусаеви И., Каримов Р. МЕТАБОЛИК СИНДРОМДА ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ //South Aral Region Medical Journal. – 2026. – Т. 2. – №. 2. – С. 173-180.